

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЯРИКУЛОВ ШУХРАТ ШОКИРОВИЧ

**ЙИРИНГЛИ ЖАРОҲАТЛАРНИ ДАВОЛАШДА МИКРОФЛОРАНИНГ
АНТИБИОТИКЛАРГА РЕЗИСТЕНТЛИГИНИ ПАСАЙТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

УЎК: 616-001.4-002.159-08:615.335:615.825

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ярикулов Шухрат Шокирович

Йирингли жароҳатларни даволашда микрофлоранинг антибиотикларга
резистентлигини пасайтириш йўллари 3

Ярикулов Шухрат Шокирович

Пути снижения резистентности микрофлоры к антибиотикам при лечении
гнойных ран 21

Yarikulov Shuxrat Shokirovich

Ways to reduce the resistance of microflora to antibiotics in the treatment of
purulent wounds 39

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ
Lists of published works 43

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЯРИКУЛОВ ШУХРАТ ШОКИРОВИЧ

ЙИРИНГЛИ ЖАРОҲАТЛАРНИ ДАВОЛАШДА МИКРОФЛОРАНИНГ
АНТИБИОТИКЛАРГА РЕЗИСТЕНТЛИГИНИ ПАСАЙТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ

14.00.27 – Хирургия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.2.PhD/Tib991 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (www.bsmti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар	Сафоев Бақодир Барноевич тиббиёт фанлари доктори
Расмий оponentлар	Абдурахманов Бабур Анварович тиббиёт фанлар доктори, профессор (Қазоғистон Республикаси) Гуламов Олимжон Мирзахитович тиббиёт фанлар доктори
Етакчи ташкилот	Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «09» сентябрь куни соат 12:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел:(+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (040 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2021 йил «09» сентябрь куни тарқатилди.
(2021 йил «09» сентябрь даги 15 рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature]

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Д.Н.Ачилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Н.А. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қондаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ўткир жароҳат инфекцияси, айниқса операциядан кейинги инфекция жарроҳликнинг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. Аниқланишича, «...барча жарроҳлик беморларининг 35-40% ини юмшоқ тўқималар ўткир йирингли касалликларига чалинганлар ташкил этади, бундай беморлар сони кўпаймоқда...»¹. Кўпгина мамлакатларда септик асоратларни камайтиришга эътибор берилмайди. Нозокомиал микрофлоранинг «...резистентлиги, шунингдек вирулентлиги ошиши фонида жарроҳлик аралашуви соҳасидаги жарроҳлик инфекциясига чалиниш сурати ўсишининг яна бир элементи ҳисобланади»². Ўлимнинг 42%и йирингли яллиғланиш жараёнининг оғирлашувидан келиб чиқади. Ҳозирги вақтда йирингли жароҳатларни даволашда антибактериал воситаларнинг маҳаллий ва умумий қўлланилиши керакли натижани бермаётганлиги исботланган. Жароҳат инфекциялари билан касалланган беморларни даволаш учун сарфланадиган харажатлари ошмоқда, бу эса жарроҳлик касалхоналарининг бюджети маблағлари ҳажмига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Жаҳон миқёсида жароҳат инфекциясини даволаш антибактериал дориларни қўллашга асосланган, аммо йирингли жарроҳлик касалликларининг этиологиясида катта аҳамиятга эга бўлган патоген микроорганизмлар вирулентлик ва антибиотикларга чидамлик хусусиятларига эга. Йирингли жароҳатларни даволаш учун турли маҳаллий дорилар ва физик усулларнинг самарали комбинацияланган таъсиридан фойдаланиш кутилган самарани бермайди, шунинг учун жароҳатларни диметилсульфоксид эритмаси билан санация қилиш ва ультрабинафша нурлар ёрдамида даволаш усулларини ишлаб чиқиш даволаш жараёнининг дастлабки даврида микроорганизмларнинг антибактериал воситаларга резистентлигини пасайтириш мақсадида жароҳатларни ультрабинафша нурлар билан нурлантириш, юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликлари бўлган беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш натижаларини яхшилашда уларнинг самарадорлигини ўрганиш, бу усулни клиник амалиётга жорий этиш касалликнинг оқибатларини яхшилаш учун энг долзарб йўл ҳисобланади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббиёт тизимини жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш ва юмшоқ тўқималарнинг йирингли-жарроҳлик касалликларини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли Фармонида «...мамлакатда тиббий ёрдам самарадорлигини, сифатини ва универсаллигини

¹ А.А. Третьяков, С.В. Петров, А.Н. Неверов, А.Ф. Щетинин Лечение гнойных ран // Новости хирургии - 2015. - Т. 23, № 6. - С. 680-685.

² Куцевалова О. Ю., Покудина И. О., Розенко Д. А., Мартынов Д. В., Каминский М. Ю. Современные проблемы антибиотикорезистентности грамотрицательных возбудителей нозокомиальных инфекций в Ростовской области // Медицинский вестник Юга Россия. 2019 - 10, № 3. - С. 91-96.

ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини яратиш, диагностика ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий этиш...»³ таъкидлаб ўтилган.

Ушбу диссертация тадқиқотлари, маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сонли «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари билан тасдиқланган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жароҳат инфекцияси, шу жумладан операциядан кейинги инфекция ва айниқса ятроген инфекция муаммоси Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан 2015 йилда кўриб чиқилган ва 2016 йил сентябрь ойиданоқ БМТ Бош Ассамблеясининг 71-сессиясида ЖССТ дунёнинг барча давлатларни жалб қилган ҳолда, микроорганизмларнинг антибиотикларга чидамлилиги тарқалишига қарши курашиш режаси ишлаб чиқилган (Гусаров В.Г. ва ҳаммуал., 2017).

XX асрнинг охиридан бошлаб бутун дунё жарроҳлари томонидан йирингли-яллиғланиш жароҳатлари билан оғриган беморларни даволаш натижаларининг кескин ёмонлашаётганлиги қайд этилган. Бу бир қатор сабаблар билан изоҳланади, жарроҳлик инфекцияси кўзгатувчиларининг антибиотикларга резистентлиги ўсиб бормоқда, бу турли хил жойлашувдаги йирингли яллиғланиш касалликлари ва операциядан кейинги асоратлар сонининг кўпайишига олиб келади, оғир кечувчи ва самарасиз анъанавий даво ва жароҳатни касалхона ичи штаммлари билан қайта зарарланиш ҳолатларининг кўпайиши ҳисобланади. (ЖССТ, 2011).

Назокомиал инфекциялар барча сабабларининг 15-25% ини ташкил қилувчи йирингли инфекциянинг ривожланиши жарроҳлик усули билан даволашда энг кўп тарқалган операциядан кейинги асоратлар сабаби ҳисобланади. Йирингли инфекциялар кучайиши операция турига боғлиқ: тоза жароҳатлар билан 1,5-6,9%, шартли равишда тоза 7,8-11,7%, ифлосланган 12,9-17% ва йирингли 10-40%. Кўпинча кўзгатувчиси *S.aureus* ҳисобланади (Черкасов М.Ф. ва ҳаммуал., 2019).

Антибактериал воситалардан фойдаланиш ўткир йирингли жарроҳлик инфекциясига чалинган беморларни комплекс даволашнинг ажралмас қисмидир. Эндиликда аниқланишича, беморларнинг 30% ида антибиотиклардан фойдаланганда аллергия ва анафилактик шоккача ўлимга олиб келадиган ножўя таъсирлар ва асоратлар юзага келади, шунингдек антибиотикларнинг турли аъзолар ва тизимларга токсик таъсири кузатилади (Охунов АО. ва ҳаммуал., 2018).

³ Указ Президента РУз от 07.02.2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Сборник законодательных актов.

Дания олимларининг (Akhloufi H. et al., 2015) Даниядаги университет шифохоналарида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, клиникада антибиотиклардан ноўрин фойдаланиш ҳоллари 29,3% ни ташкил этган. Бир гуруҳ олимларнинг (Uhlemann A.C.A. et al., 2014) фикрича ҳам, инфекцияларнинг юқори тарқалиши антибиотикларга чидамлилик билан кучаяди ва йирингли жароҳатларни даволаш учун долзарб муаммо ҳисобланади.

Ўзбекистонда юмшоқ тўқималарнинг йирингли жарроҳлик касалликлари билан оғриган беморларга жарроҳлик ёрдамни тизимли равишда ташкил этиш, диагностикасини такомиллаштириш, жароҳат инфекцияларини даволаш ва олдини олиш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилган (Охунов А.О., 2015). Йирингли инфекцияни умумлаштириш ҳолатларининг кўпайиши, шунингдек унинг ноқулай кечиши нафақат жарроҳларни, балки бошқа мутахассис шифокорларини ҳам ушбу муаммо билан шуғулланишга мажбур қилмоқда.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда умумий жарроҳлик профилига эга беморлар орасида йирингли-септик касалликларнинг нисбати тахминан 30% ни ташкил қилади (Бабаджанов Б.Д., 2017). Юмшоқ тўқималарнинг йирингли-яллиғланиш касалликлари тоифаси билан бир қаторда, осон ташхис қўйилган ва аксарият ҳолларда соғлиқни сақлашни бирламчи бўғини бўлмиш амбулатория-поликлиника амалиётида даволанадиган йирингли-некротик касалликларнинг айрим турлари мавжуд бўлиб, уларнинг клиник кечиши алоҳида оғирлик билан тавсифланади ва ўлим кўрсаткичи юқори, сўнги адабиётга кўра 66 фоиздан 76 фоизгача ҳолларда учрайди (Охунов А.О., 2018).

Сўнги йилларда ўтказилган тадқиқотлар таҳлиliga кўра юмшоқ тўқималарнинг йирингли жароҳатларини даволашнинг оддий ва самарали усулларини излаш давом этаётганини кўриш мумкин.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Бухоро давлат тиббиёт институтининг (02.2019.PhD.045-сон) тадқиқот режаси доирасида «Бухоро вилоятининг иссиқ иқлимли шароитида организмнинг патологик ва патология олди ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича янги ёндашувларни ишлаб чиқиш» мавзусида олиб борилган (2017-2021 й).

Тадқиқотнинг мақсади физик-кимёвий усуллар ёрдамида микрофлоранинг антибиотикларга мавжуд резистентлигини пасайтиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш орқали юмшоқ тўқималарнинг йирингли жарроҳлик касалликларини даволаш натижаларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

йирингли жароҳатлар микрофлорасининг резистентлик даражасини физик-кимёвий усуллар билан анъанавий даволаш фонида таҳлил қилиш;

ультрабинафша нурлар ва диметилсульфоксид эритмасининг йирингли жароҳатлар микрофлораси резистентлигига таъсирини *in vitro* ўрганиш;

юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликлари билан оғриган беморларда ультрабинафша нурлар ва диметильсулфоксид эритмасининг йирингли жароҳатлар микрофлораси резистентлигига таъсирини ўрганиш;

физик-кимёвий усуллар ёрдамида микрофлора резистентлигига таъсир қилиш орқали йирингли жароҳатларни даволашда янгича ёндашувни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида 2013-2020 йиллар мобайнида даволанган 176 нафар тери ва юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликларига чалинган, патологик жароҳатлар жараёнидан асоратсиз ўтган беморлар бўлган.

Тадқиқотнинг предмети юмшоқ тўқималарнинг йирингли жароҳлик касалликлари, микроорганизмларнинг ҳар хил штамлари билан оғриган беморларда йирингли жароҳатларни даволашда физик-кимёвий усулларни маҳаллий комбинациялашган ҳолда қўллаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш учун қуйидаги тадқиқот усулларидан фойдаланилган: клиник, клиник-инструментал, бактериологик ва цитологик текширув усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

физик омиллардан ультрабинафша нурлар ва кимёвий препарат диметильсулфоксид эритмасининг микроорганизмлар резистентлигига таъсири аниқланган;

ультрабинафша нурлар ва кимёвий препарат диметильсулфоксид эритмасининг биргаликда қўллаш билан юмшоқ тўқималарнинг йирингли жароҳатларини даволашнинг самарали усули ишлаб чиқилган;

физик-кимёвий омиллардан фойдаланган ҳолда микроорганизмларнинг антибиотикларга мавжуд резистентлигини пасайтириш усули ишлаб чиқилган;

физик ва кимёвий усуллар ёрдамида микрофлора резистентлигини пасайтиришни ҳисобга олган ҳолатда, ультрабинафша нурлардан ва диметильсулфоксид эритмасидан фойдаланиб, йирингли жароҳатларни даволаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

жароҳатни ультрабинафша нурлари билан нурлантириш ва 25% ли диметильсулфоксид эритмаси билан маҳаллий ишлов бериш нафақат жароҳатларни инфекциялардан тозаланиш вақтини тезлаштирибгина қолмай, балки бир вақтнинг ўзида микрофлорага резистентлигини пасайтириш орқали юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликларини даволаш самарадорлигини ошириши аниқланган;

аниқландики, диметильсулфоксид эритмаси ва ультрабинафша нурларнинг биргаликда маҳаллий қўлланилиши юмшоқ тўқималарнинг йирингли жароҳатларини даволашда кўрсатма бўлган;

диметильсулфоксид эритмасидан ва жароҳатни ультрабинафша нурларидан биргаликда қўллаш жароҳатларнинг битиш фазаларини тезлашишига ёрдам беради, шу билан юмшоқ тўқималарнинг йирингли жароҳатлари бўлган беморларни даволашда ётоқ кунларининг 2 кунга қисқаришига олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тадқиқот объектлари сони етарлилиги, клиник, инструментал, бактериологик, цитологик ва статистик усуллар ёрдамида ишланганлиги, шунингдек, олинган натижаларнинг халқаро ҳамда маҳаллий илмий манбалар билан таққосланганлиги, хулоса, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, антибиотикларни танлаш имкониятини кенгайтириш орқали жароҳатни инфекциядан тозалаш муддатларини тезлаштириш мақсадида жароҳат микрофлораси резистентлигини камайтириш учун 25% ли диметилсульфоксид эритмасининг ва ультрабинафша нурларининг мақбул дозаси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, 25%ли диметилсульфоксид эритмасини ва ультрабинафша нурларини биргаликда қўллаш жароҳат фазаси алмашиши тезлашишига кўмаклашади, микрофлора резистентлиги камайиши эса антибиотиклар танловини кенгайтиради, бу эса йирингли жароҳатлар билан касалланган беморларни даволаш кунлари қисқаришига олиб келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Комбинациялашган физик-кимёвий усулни қўллаш ёрдамида юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликлари билан оғриган беморларни даволаш натижаларини яхшилаш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

«Йирингли жароҳатларни даволашда маҳаллий диметилсульфоксиднинг 25 % ли эритмаси ва ультрабинафша нурларни маҳаллий қўллашда микрофлора резистентлигига таъсирини самарадор баҳолаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 мартдаги 8н-д/98 маълумотномаси) тасдиқланган. Ушбу услубий тавсиянома юмшоқ тўқималарнинг йирингли жарроҳлик касалликларига чалинган беморларни физико-кимёвий усуллардан фойдаланиб даволаш кузатилиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олишга имкон берди;

«Юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликлар билан оғриган беморларда жароҳатни 25 % ли диметилсульфоксид эритмаси ва ультрабинафша нурлари билан маҳаллий ишлов бериш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 мартдаги 8н-д/98 маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиялар юмшоқ тўқималарнинг йирингли жарроҳлик касалликлари билан оғриган беморларда жароҳатни даволаш динамикасини баҳолашга имкон берган;

даволаш ва диагностика натижаларини яхшилаш бўйича олинган амалий тадқиқот маълумотлари Соғлиқни Сақлаш ташкилотларига, шу жумладан Жондор ва Бухоро туман тиббиёт бирлашмаларида, Бухоро ва Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаларида жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 июлдаги 08-09/7963 маълумотномаси). Диметилсульфоксид эритмаси ва ультрабинафша нурлардан юмшоқ тўқималарнинг йирингли жарроҳлик касалликларини даволашда биргаликдаги фойдаланиш

самарадорлиги аниқланди. Тадқиқот натижасида диметилсульфоксид эритмаси ва жароҳатларнинг ультрабинафша нурланишидан фойдаланган ҳолда йирингли-некротик касалликларга чалинган беморларни даволашнинг оптимал усули ишлаб чиқилган, бу эса жароҳатлар микрофлорасининг резистентлигини пасайтиради ва жароҳат битиш фазаларини тезлаштиради ва бу эса даволашнинг ўртача давомийлиги икки кунга қисқартирган.

Тадақиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадақиқот натижалари 3 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадақиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг таркиби ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида тадақиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари асосланади, ўрганиш объекти ва мавзуси тавсифланади. Тадақиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадақиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадақиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этиш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган, нашр этилган ишлар ва илмий ишнинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **«Жароҳат, жароҳат инфекцияси ва микрофлора резистентлиги муаммолари тўғрисидаги замонавий қарашлар: адабиётлар шарҳи»** замонавий адабиётлар таҳлили, шу жумладан жароҳатни даволаш жараёни, жароҳат жараёнига таъсир ўтказиш усуллари тўғрисида замонавий қарашлар келтирилган. Жароҳатларни даволашда 25% ли диметилсульфоксид эритмаси ва ультрабинафша нурларидан фойдаланишнинг роли муҳокама қилинган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Клиник материалнинг хусусиятлари ва қўлланилган тадақиқот усуллари»** беморларнинг клиник хусусиятлари, беморларни даволаш воситалари ва усуллари, клиник лаборатория ва инструментал тадақиқот усуллари тасвирланган.

Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида 2016-2020 йиллар давомида даволанган юмшоқ тўқималарнинг йирингли жароҳатлари билан касалланган 176 нафар беморни текшириш ва даволаш маълумотлари таҳлил қилинган. Барча беморлар жинси ва ёши бўйича 1963 йилда Киевда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ўтказилган минтақавий семинарда қабул қилинган ёш гуруҳлари таснифига кўра бўлинган. I-гуруҳда 18 ёшдан

79 ёшгача 51 нафар эркак (55,4%) ва 41 нафар аёл (44,6%) (ўртача ёши 48,5±2,1 ёш) бўлган. II-гурух - 17 ёшдан 74 ёшгача бўлган 47 нафар эркак (55,9%) ва 37 (44,1%) нафар аёл (ўртача ёши 45,5±1,8 ёш), яъни, гуруҳлар жинсий ва ёшга мос ҳолда келтирилган.

Барча беморлар, даволаш услубига қараб, 2 гуруҳга бўлинган: I - назорат гуруҳи ва II - асосий гуруҳ (1 - жадвал). Биринчи назорат гуруҳидаги беморларга антисептиклар билан жароҳатларни ишлов бергандан сўнг – водород пероксиднинг 3% ли эритмаси, фурацилиннинг 0,02% ли эритмаси ва маҳаллий даволаш учун некректомия қилингандан сўнг левомекол малҳами билан дока боғлами қўйилди. Жароҳатлардан чиқадиган микрофлоранинг сезгирлигини ҳисобга олиб, тизимли антибиотик терапия, дезинтоксикацион терапия ҳамда симптоматик даволаш ўтказилган.

1-жадвал

Беморларнинг даволаниш турига қараб тақсимланиши.

Юмшоқ тўқималар жароҳатлари бўлган беморларнинг гуруҳлари.	Даволаш усули: жарроҳлик даволашдан кейин
Назорат гуруҳи I гуруҳ (n = 92)	A - диметилсульфоксид эритмаси (n = 38) B – жароҳатни УБ нур билан нурлатиш (n = 32) B - ДМСЭ + УБ нур билан нурлатиш (n = 22)
Асосий гуруҳ II гуруҳ (n = 84)	Даволаш жараёнида антибиотикларни резистентлигини ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда: A - диметилсульфоксид эритмаси (n = 27) B - жароҳатни УБ нур билан нурлатиш (n = 22) B - ДМСЭ + УБ нур билан нурлатиш (n = 35)

I-A кичик гуруҳда эса юқорида кўрсатилган анъанавий даволашга қўшимча равишда, йирингли ўчоқни жарроҳлик билан қайта ишлангандан кейин диметилсульфоксиднинг 25% эритмасига эга боғлам билан тўлдирилган.

I-B кичик гуруҳ беморларга юқорида келтирилган анъанавий, стандарт даволаш чораларига қўшимча тарзда жароҳатларга, Дальфелд-Горбачев усули бўйича, УФО-Б мосламаси ёрдамида икки биодозадаги ультрабинафша нурлар билан қўшимча равишда маҳаллий таъсир ўтказилган.

I-B кичик гуруҳ беморларга эса йирингли ўчоқни жарроҳлик йўли билан қайта ишлагандан кейин анъанавий, комплекс даволаш чораларига қўшимча тарзда жароҳатга ишлов беришда, икки биодозадаги ультрабинафша нурлар ҳамда 25% ли диметилсульфоксид эритмасини комбинациялашган тартибда қўлланилган.

Диметилсульфоксид эритмаси ва ультрабинафша нурларнинг бир вақтнинг ўзида ҳам бактерицид таъсири ҳам жароҳат микрофлорасининг резистентлигини пасайтириш қобилятини ўрганиш мақсадида, жароҳат

жараёнининг дастлабки босқичида *in vitro* бактериологик тадқиқотлар ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини ҳисобга олган ҳолда, назорат гуруҳидан фарқли ўлароқ, II-асосий гуруҳнинг барча беморларини даволашда кўшимча равишда динамикада микрофлора резистентлиги кузатиб борилди. Даволаш жараёнида патоген микроорганизмларнинг резистентлиги динамикада ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий ва умумий фойдаланиш учун антибиотикларни босқичли танлаш амалга оширилди. Биринчи кундан бошлаб жароҳат ажралмаларидан микрофлорани сифат жиҳатидан ва миқдорий жиҳатдан ўрганиш амалга оширилди ва антибиотикларга кунлик сезгирлиги аниқланди, даволаш жараёнида антибиотикотерапиянинг оптимал версияси кўриб чиқилган.

Диметилсульфоксиднинг эритмасининг 25% ли концентрациясини олиш учун у 0,9% ли натрий хлорид физиологик эритмаси билан 1:3 нисбатда суюлтирилди. Жароҳат жараёнининг умумий ва маҳаллий кўриниши динамикасини баҳолаш интоксикация кўрсаткичлари, биокимёвий кўрсаткичлар динамикаси, жароҳатни даволаш даражаси, бактериологик ва цитологик тадқиқотлар бўйича амалга оширилган.

Бактериологик таҳлиллар микрофлора ва унинг антибиотикларга сезувчанлигини аниқлашни ўз ичига олган. Бактериал ифлосланиш даражаси динамикада бемор қабул қилинган кундан даволаниш тугагунга қадар ҳар куни баҳоланди. Микробиологик таҳлиллар юмшоқ тўқималарнинг йирингли жароҳатлари ажралмаларидан экма экиш орқали амалга оширилган.

Микроорганизмлар резистентлиги диск-диффузия усули (ДДУ) билан аниқланган, унинг моҳияти куйидагича: сезувчанликни аниқлаш озиқ муҳитга антибиотиклар шимдирилган қоғоз дисклардан фойдаланилган, агар юзасига экилган микроорганизмларнинг кўпайишини ингибиция қилиш қобилиятига асосланган.

Цитологик таҳлиллар М.П.Покровский ва М.С.Макаров услубига кўра даволашнинг биринчи, бешинчи ва ўнинчи кунларида амалга оширилган. Цитологик текширув учун материални олишдан олдин жароҳат юзасидан стерил тампон билан ажратиб олинди. Буюм ойначаси ёрдамида жароҳат юзасидан намуна олиниб, қуритгандан сўнг 20 минут давомида денатурланган спиртга ботирилган. Сўнгра Грам усулида бўялган ва ёруғлик микроскопида кўрилган. Жараён динамикасини аниқроқ тасаввур қилиш учун препаратнинг турли жойларида 100 дан 300 гача хужайраларни ҳисоблаб, хужайра таркиби % да ифодаланган. Барча беморларга динамикада жароҳат экссудатининг pH-метрияси ўтказилган.

Эндоген интоксикация даражаси 210 нм тўлқин узунлигида спектрометрия билан ўрта молекуляр массадаги пептидлар (ЎММП) даражаси билан баҳоланган.

Шунингдек, диметилсульфоксид эритмаси ҳамда ультрабинафша нурларнинг микробиологик фаоллиги лаборатория *in vitro* шароитида ўрганилган, шунингдек патоген бактерияларга қарши максимал бактерицид таъсир билан унинг мақбул концентрациясини аниқлаш амалга оширилган.

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш вариация статистика усуллари билан амалга оширилган. Ўртача арифметик (M), унинг хатоси ($\pm m$), 95% ишонч интервали (ИИ), Стъюдент мезони (t) ҳар хил аҳамиятга эга даражаларда аниқланган (P). Натижалар $P < 0.05$ да муҳим деб ҳисобланган.

Диссертациясининг учинчи бобида **«Юмшоқ тўқималарнинг йирингли жарроҳлик касалликларини анъанавий даволаш натижалари»** юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликларига чалинган беморларни анъанавий усулда даволаш самарадорлигини баҳолаб берилган.

I гуруҳни 92 нафар юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликлари билан касалланган беморлар ташкил этди. Улардан 59 нафари (64,1%) юмшоқ тўқималарни, 33 (35,9%) нафар беморларда операциядан кейинги йирингли жароҳатлари ташкил этади. Қабул қилинган барча беморларда жароҳатлар I фазасида бўлган. Барча беморларда қабул қилинган кунда йирингли ўчоқни очиш амалиёти бажарилган. Ўз навбатида I гуруҳдаги барча беморлар тадқиқотнинг мақсадларига мувофиқ ва даволаш тадбирлар турига қараб, учта кичик гуруҳга бўлинган: маҳаллий анъанавий усулда даволаш билан биргаликда, кўшимча равишда диметилсульфоксид эритмаси билан боғлам қўйилган (А кичик гуруҳ), жароҳатга ультрабинафша нурлар билан таъсир қилинган (Б кичик гуруҳи) ва уларнинг комбинацияси қўлланилган (Б кичик гуруҳи) кичик гуруҳлар ташкил этган. Қабул қилинган кунда беморларнинг умумий аҳволи, аксарият ҳолларда, ўртача оғирликда бўлган. Клиник ва лаборатория маълумотларига кўра, умумий интоксикация кўрсаткичлари етакчилик қилган: тана ҳароратининг кўтарилиши ёки доимий субфебрил ҳолат, рангнинг оқариши, кам ҳаракатчанлик, тахикардия, қонда ЭЧТ (эритроцитларнинг чўкиш тезлиги) ортиши, лейкоцитоз. Умумий симптоматика билан бирга касалликнинг маҳаллий белгилари: гиперемия, шиш ва жароҳат соҳасидаги тўқималар инфильтрацияси. Палпация пайтида чуқур оғриқли инфильтрация аниқланган. Операциядан кейинги йиринг асоратлари бўлган беморларда чоклар олинганда жароҳатлардан кўп микдорда йиринг чиқган.

Юмшоқ тўқималари йирингли жароҳатлари бўлган I-назорат гуруҳдаги беморларда юмшоқ тўқималарнинг ўткир жарроҳлик инфекциясини, хўппоз ва флегмонани очгандан сўнг 85 та ҳолатда микроорганизмлар сони ўсиши устун бўлганлиги қайд этилган, бу 92,3% ни ташкил этган, шулардан 62 таси граммусбат (67,4%), 32 граммманфий (32,6%), етакчи ўринни *Staphylococcus aureus* 51 (55,2%) эгаллаган, *Escherichia coli* (6,5%) ва *Enterobacter spp* 9 (9,7%). *Staphylococcus aureus* барча жарроҳлик инфекцияларидан кўп микдорда аниқланган: хўппозларда 28 (58,3%), флегмоналарда 8 (66,7%), фурункулларда 3 (42,9%), гидродененитларда 4 (100%), карбункулларда 4 (66,7%), инфицирланган жароҳатларда 5 (33,3%) ҳолатда.

Юмшоқ тўқималарнинг йирингли жароҳатлари бўлган I А, Б ва В кичик назорат гуруҳи беморлар организмнинг интоксикация кўрсаткичлари таҳлили куйидаги ўзгаришларни кўрсатган. Даволанишнинг биринчи кунда беморларнинг тана ҳарорати ўртача $39.1 \pm 0.51^{\circ} \text{C}$ ни ташкил этган. Қон лейкоцитларининг таркиби ўртача $9,8 \pm 0,31 \times 10^9/\text{л}$ ни ташкил этган. Ўрта молекулаларнинг ҳажми ўртача $0,185 \pm 0,008$ бирликни ташкил этганг. Худди

шу тарзда, ЛИИ ва ЭЧТ ўсиши қайд этилган. Даволашнинг бешинчи кунда назорат гуруҳидаги юмшоқ тўқималарнинг йирингли касалликлари билан оғриган беморлар субфебрил ҳолатни сақлаб қолган ($37.1 \pm 0.21^{\circ}\text{C}$). Шу билан бирга, организм интоксикациясининг барча кўрсаткичларига кўра: қон L (лейкоцит), ЎММ (ўрта молекуляр масса), ЛИИ (лейкоцитар интоксикация индекси) ва ЭЧТ кўрсаткичларининг пасайиши қайд этилган, яъни нормаллашув тенденцияси кузатилган: - $6,8 \pm 0,21 \times 10^9$; $0,149 \pm 0,006$; $1,3 \pm 0,06$; $29,6 \pm 1,12$. Даволашнинг еттинчи суткасига келиб, бу рақамлар келгусида пасайишга мойил бўлса-да, меъёрдан ортиқ миқдорда сақланиб турган. Даволаш ва кузатиш давомида ўнинчи суткага келиб, қонда ЭЧТ дан ташқари интоксикациянинг таҳлил қилинаётган барча кўрсаткичлари меъёр даражасида бўлган.

Беморларда жароҳат жараёнлари ўзгаришларини баҳолашнинг навбатдаги мезонлари қуйидагилар бўлган: жароҳат муҳити рН си, жароҳат юзаси сатҳининг камайиш проценти ва М. Ф. Мазурик бўйича ПК кўрсаткичлари. Таҳлил қилинган гуруҳнинг беморларида қабул қилинган кунда жароҳат муҳитининг дастлабки рН даражаси сезиларли даражада паст (ацидоз) ва ўртача $4,3 \pm 0,16$ га тенг. Жароҳатлар экссудатининг оқсиллари ўртача $58,3 \pm 1,52$ г/л ни ташкил этган. ПК бир вақтнинг ўзида ўртача $1,0 \pm 0,02$ ед ни ташкил этган. Еттинчи кунга келиб, ПК $1,6 \pm 0,02$ ед ни ташкил этди ва кунга жароҳат майдони $3,5 \pm 0,18\%$ га камайган. Жароҳат муҳитининг рН қиймати ўртача $6,3 \pm 0,22$ га тенг. Фақат даволашнинг ўнинчи кунгача жароҳат муҳитининг рН қиймати нейтрал ҳолга келган. Кунга жароҳат юзаси майдонининг камайиши $3,9 \pm 0,14\%$ ни ташкил этди. Жароҳатдан экссудатнинг чиқиши тўхтаган, бу бизнинг фикримизча, жароҳат жараёнининг 1-босқичдан 2-босқичга ўтиши билан боғлиқ.

Йирингли жароҳатларни анъанавий усули билан биргаликда ультрабинафша нурлар билан нурлантириш (I Б кичик гуруҳи) ва диметилсульфоксиднинг 25% ли эритмасини (I А кичик гуруҳи) алоҳида қўлланилиши интоксикация индексларини нормаллашиши ва жароҳатларни битиш вақти деярли ўхшаш яъни мос равишда 9-10 ва 8-9 кунга тўғри келгане. Физик-кимёвий усулларни биргаликда, яъни ультрабинафша нурлар ҳамда 25% ли диметилсульфоксид эритмаси (I В кичик гуруҳ) биргаликда фойдаланиш йирингли жароҳатларни даволашнинг энг самарали усули ҳисобланади. Шу билан бирга, интоксикациянинг барча кўрсаткичларини нормаллаштириш ва беморларни даволашнинг ўртача давомийлиги ўртача 2 кунга камайган.

Шундай қилиб, беморларнинг I-гуруҳидан олинган натижалар таҳлилидан қуйидагилар аниқланди. Йирингли жароҳатларни даволашнинг анъанавий усуллари билан жароҳатни ультрабинафша нурланишини ва диметилсульфоксиднинг 25% ли эритмасини алоҳида қўллаш, интоксикация кўрсаткичларини нормаллаштириш ва жароҳатни даволаш даври 8-9 ва 9-10 кунга тўғри келди. Ультрабинафша нурлар ва 25% ли диметилсульфоксид эритмасининг биргаликда фойдаланиш йирингли жароҳатларни даволашнинг энг самарали усули ҳисобланади. Шу билан бирга, беморларни даволашнинг давомийлиги ўртача 2 кунга камайган.

Диссертациянинг тўртинчи бобида «Диметилсульфоксид эритмаси ва ультрабинафша нурларни оптимал бактерицид концентрациясининг микроорганизмлар резистентлигига таъсирини *in vitro* аниқлаш» 25% ли диметилсульфоксид эритмаси ҳамда ва ультрабинафша нурларнинг микроорганизмлар резистентлигига таъсири экспериментда (*in vitro*) кўрсатилган.

Тажриба икки қисмдан иборат бўлди. Тажрибанинг биринчи қисмини бажаришда, агар юзасига экмалар қилинди: *Staphylococcus aureus* 10 та сериядаги ҳар хил концентрацияларнинг қуйидаги вариантларида: I-назорат диметилсульфоксид эритмаси билан таъсир этмасдан, II-5%, III-10%, IV-15%, V-20%, VI-25% ли диметилсульфоксид эритмаси. Экспозиция вақти 24 соатни ташкил қилган. Ҳар бир серия 10 та Петри идишиларда экилган микроорганизмларда ўтказилган. 24 соатдан кейин экин қайта экилди ва антибиотикларга сезгирлиги аниқланган. Инкубация муддати тугагандан сўнг идишлар ёруғлик уларга 45 ° бурчак остида тушишини инобатга олиниб, қоронғи юзага тесқари қилиб қўйилган. Ўсишни тақиқлаш зоналарининг диаметри 1 мм аниқлик билан кронциркул ўлчагичи ёрдамида ўлчанган.

Микрофлоранинг сезгирлигини турли хил кетма-кетликда ўрганиш бир қатор қизиқарли фикрларни очиб беришга имкон берди, масалан: 5% диметилсульфоксид эритмаси билан таъсир қилинганда микроорганизмларни антибиотикларга сезгирлиги 33,3% дан 40% гача, диметилсульфоксиднинг 10% ли эритмаси билан таъсир кўрсатилганда сезгирлик 46,7%, 15% эритмаси билан 53,3% гача, 20% концентрацияси таъсирида антибиотикларга сезгирлиги 60% гача ошиб борган. Диметилсульфоксид эритмасининг 25% ли концентрацияси билан таъсир қилинганда микроорганизмларнинг антибиотикларга нисбатан сезгирлик максимал кўрсаткичларга эга бўлиб, 73,3% гача етган.

Экспериментнинг иккинчи қисмини амалга ошириш мақсадида агар юзасига миллиард суспензия қилинган: *Staphylococcus aureus* 6 серияда, ҳар бир серия 10 та Петри идишидан иборат. *Staphylococcus aureus* нинг миллиардлаб суспензиялари турли биодозаларда ультрабинафша нурлар билан нурлантирилган. 1-серия нурланишсиз, 2-серия 1,0 биодолада нурланиш, 3-серия 1,25 биодоза ультрабинафша нурланиш, 4 серияли - 1,5 биодозли нурланиш, 5 -серияли 1,75 биодолада ультрабинафша нурланиш, 6-серияли 2,0 биодоза ультрабинафша нурланиш.

Ультрабинафша нурларнинг 1,5 биодоза нурлари таъсирида микроорганизмларнинг антибиотикларга сезгирлиги 40% гача ошган, 1,75 биодоза таъсирида 60% ни, 2,0 биодоза билан таъсир қилинганда антибиотикларга нисбатан энг юқори сезгирлик 66,7% ни ташкил этган. Шундай қилиб, бизнинг *in vitro* шароитида ўтказилган тажрибаларимиз шуни кўрсатдики, диметилсульфоксид эритмаси ҳамда ультрабинафша нурларининг турли хил дозалари фикримизча, микроорганизмларга ҳалокатли таъсир қилибгина қолмай, уларнинг резистентлигини пасайтиришга ҳам олиб келаган. Бундай ҳолда диметилсульфоксид эритмасининг оптимал самарали дозаси 25% ли концентрацияни ташкил

қилади. Ультрабинафша нурларнинг (Дальфелд-Горбачов бўйича) самарали биодозаси 2,0 биодозалиги аниқланган.

Диссертациянинг бешинчи бобида «Йирингли жароҳатларни даволашда 25% диметильсулфоксид эритмаси, ультрабинафша нурлар ва уларнинг биргаликдаги қўллаш микроорганизмлар резистентлигига таъсири самарадорлиги» 25% диметильсулфоксид эритмаси ва ультрабинафша нурларини маҳаллий йирингли жароҳатларни даволашда қўлланилишдан олинган натижалар келтирилган.

Турли хил йирингли жароҳатларга эга II гуруҳдаги 84 нафар беморда 25% ли диметильсулфоксид эритмасини (II А кичик гуруҳи) ҳамда ультрабинафша нурларни (II Б кичик гуруҳи) ва уларнинг биргаликдаги қўлланилиши (II В кичик гуруҳи) даволаш давомида микроорганизмлар резистентлигига таъсири самарадорлиги ўрганилди. Қасалхонага келганда барча беморларда жароҳатланиш жараёнининг I фазаси бўлган.

